

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья С.Юлдашева, халқ маслаҳатчилари К.Рамазонова ва Г.Муқумовадан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Н.Хасановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ўринбосари Ў.Ибрагимов, судланувчилар ХХХ ва унинг ҳимоячилари адвокат Р.Тошев, Р.Турсунов, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячилари адвокат Ч.Зияқулов, Х.Астанакулова, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси С.Турдиевнинг иштирокида, ХХХ, ХХХ ва ХХХга нисбатан 1-1901-2504/338-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

**ХХХ**, 1987 йил 18 апрелда Бойсун туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, таржимонга муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED], унга нисбатан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб 2025 йил 29 июлдан қамоқда сақланаётган, айблов хулоса нусхасини олган, ўз сўзидан соғлиги яхши, судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-модда, 181<sup>1</sup>-модда 1-қисми, 205-модда 2-қисм “а” банди, 209-модда 2-қисм “а” банди, 210-модда 2-қисм “а,б,в,г” бандлари билан;

**ХХХ**, 1985 йил 18 октябрда Ангор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] яшайди, унга нисбатан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб 2025 йил 4 августдан қамоқда сақланаётган, айблов хулоса нусхасини олган, ўз сўзидан соғлиги яхши, судга жавоб бера олади



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-модда, 181<sup>1</sup>-модда 1-қисм, 205-модда 2-қисм “а” банди, 209-модда 2-қисм “а” банди, 210-модда 2-қисм “а,б,в,г” бандлари билан;

**XXX**, 1986 йил

18 мартда Россия Федерациясида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, “Гагарин ёшлари” ХК ва “Дилшод бинокор маркет” МЧЖ раҳбари, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг 2024 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси

3-қисми билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жазосининг 2 йил муддати ўталмаган,

” эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2025 йил 29 июлдан қamoқда сақланаётган, айблов хулоса нусхасини олган, ўз сўзидан соғлиги яхши, судга жавоб бера олади

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-модда, 181<sup>1</sup>-модда 1-қисм, 28,205-модда 2-қисм “а” банди, 28,209-модда 2-қисм “а” банди, 212-модда 3-қисм “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши материалларини тафтиш этиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, томонларнинг музокара нутқларини ва судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

### **АНИҚЛАДИ:**

**XXX** 2025 йил 28 июлга қадар Сурхондарё вилоят солиқ бошқармасида солиқ қарзларини ундиришни ташкил қилиш бўлими бош инспектори вазифасида ишлаб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан кўп миқдорда ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, жинойий режаларини амалга ошириш учун бошқарманинг солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими катта инспектори XXX ва собиқ ҳамкасби XXXлар билан жинойий тил бириктириб, XXXнинг таъсисчилигида бўлган “Гагарин ёшлари” ХК ва “Дилшод бинокор маркет” МЧЖ, унинг норасмий бошқарувида бўлган “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча”, “Бешқўтон омад кафолат”, “Обод маскан агрофирмаси”, “Метал парчалари” МЧЖлар, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Shodiyona Hojiakbar young stars” ОКларни бухгалтерия ва солиқ фаолиятини бошқариб келишидан жинояткорона мақсадларда



фойдаланиб, ХХХ орқали “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ўртасида 30.04.2022 йилда 12-сонли 290.260.000 сўмлик, “Метал парча плус” ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 12.05.2022 йилда 08-сонли 1.157.325.270 сўмлик, 26.05.2022 йилда 10-сонли 376.030.795 сўмлик, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 11.05.2022 йилда 07/05-сонли 280.830.000 сўмлик, 19.05.2022 йилда 10/05-сонли 346.104.000 сўмлик, 26.05.2022 йилда 14/05-сонли 532.721.400 сўмлик, 30.05.2022 йилда 18/05-сонли 1.156.114.550 сўмлик, “Янгиобод метал парча” МЧЖ ва “Мингнароров Ботир” МЧЖ ўртасида 05.01.2023 йилда 1.216.270.720 сўмлик, “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ва “Халқобод Агро Инвест” МЧЖ ўртасида 27.05.2024 йилда 0661-сонли 49.770.000 сўмлик, 26.06.2024 йилда 0858-сонли 16.854.000 сўмлик, “Янгиобод метал парча” МЧЖ ва “Саразия Модерн строй” МЧЖ ўртасида 29.09.2023 йилдаги 555-сонли 1.486.268.071 сўмлик, “Дилшод бинокор маркет” МЧЖ ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 10.11.2023 йилда 1546-сонли 2.790.000.000 сўмлик, “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ва “Шодиёна Хожиакбар ёунг стар” ОК ўртасида 30.08.2024 йилда 97-сонли 1.124.029.760 сўмлик, 12.01.2025 йилда 55-сонли 1.064.918.400 сўмлик, шу каби “Азамат Акбар давр” МЧЖ, “Агротех агроинвест” МЧЖ, “Музработ Тезкор қурилиш” МЧЖ, “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖ, “Обод маскан агрофирмаси” МЧЖ, “Метал парчалари” МЧЖ, “Бешқўтон Чорбоғ” ФХ, “Музработ Достон” ФХ, “Туронбек Чорваси” ФХ ва “Гагарин Ёшлари” ХК ўрталарида ушбу тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва таъсисчилари бир-бирларини танимаган ва тадбиркорлик алоқаларига умуман киришмаган бўлса-да, уларнинг хабардорлигисиз ва розилигисиз турли сўмлик маҳсулотлар сотиб олингани ва хизматлар кўрсатилгани ҳақида сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилиб, юқоридаги тадбиркорлик субъектларида 2.926.308.820 сўмлик ортиқча, 1.000.299.991 сўмлик қўшимча ва 25.203.351.991 сўмлик сунъий солиқ қарздорликларини юзага келтириб, ушбу тадбиркорлик субъектларини қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиб, шу усулда жиноий шериклари ХХХ ва ХХХ билан бирга сохта солиқ қарзларини ошириб, жиноий шериклари ХХХ ва ХХХлар билан бирга улардан солиқ қарзларини тадбиркорлик субъектларини банкрот қилиш йўли билан қарздорлик реестридан чиқариш учун фирибгарлик йўли билан пул талаб қилиб келган.

ХХХ ўзининг собиқ ҳамкасби ХХХ ва бошқарманинг солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими катта инспектори ХХХлар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, тадбиркорлик субъектларини электрон логин, парол ва калитларини қўлга киритиб, улардан фойдаланиб, ўзаро таниш бўлмаган ҳамда умуман тадбиркорлик алоқаларига киришмаган тадбиркорлик субъектларини маҳсулот сотиб олгани ёки хизмат кўрсатгани ҳақида уларнинг хабардорлигисиз сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилиши, уларни тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари номидан ХХХ орқали электрон тасдиқланиши,



натижада катта солиқ қарздорликларини сунъий ҳосил қилишиб, ушбу тадбиркорларни солиқ текширувлари ўтказиш ва натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўтказишни йатиб, шундай ҳолатда тадбиркорларга Сурхондарё вилояти солиқ бошқармасида ишловчи жиноий шериги ХХХ ва ўзининг тадбиркорлик субъектларини солиқ қарздорлиги билан бирга банкрот қилиш ҳамда қорздорлигини реестрдан чиқариш хизматларини таклиф қилиб келган.

Хусусан, ХХХ мазкур жиноий ҳаракатларини амалга ошириши давомида Музработ туманида фаолият юритувчи “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни бухгалтерия ва солиқ фаолиятини жиноий шериги ХХХ томонидан бошқариб келинганидан фойдаланиб, у орқали сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштириш орқали “Метал парча плус” МЧЖга 2.419.680.170 сўм, “Янгиобод метал парча” МЧЖга 4.559.561.561 сўм ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга 885.191.400 сўм сунъий солиқ қарздорлигини келтириб чиқаришга эришиб, Ў.Норматовни солиқ текширувлари ўтказилиши ва натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориб, жиноят иши қўзғатилиши билан ХХХ орқали маълум қилиб, Ў.Норматовдан 2022 йилнинг февраль ойида “Метал парча плус” МЧЖни банкрот қилиш учун 10.000.000 сўм, 2023 йилнинг ноябрь ойидан 2024 йилнинг февраль ойига қадар “Янгиобод метал парча” МЧЖни банкрот қилиш учун 4.000 АҚШ доллари ва 2024 йилнинг июнь ойида “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни банкрот қилиш учун 6.000 АҚШ доллари, жами 10.000 АҚШ доллари (2024 йил 28 июнь ҳолатига 1 АҚШ доллари 12.555,16 сўм ҳисобида) 125.551,600 сўм ва 10.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, шундан охирги 6.000 АҚШ долларидан 2.000 АҚШ долларини ХХХда қолдириб, қолган 8.000 АҚШ доллари ва 10.000.000 сўм пулларни жиноий шериги ХХХ билан бўлишиб олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаган.

Шунингдек, ХХХ жиноий шериклари ХХХ ва ХХХлар билан бирга Ў.Норматовдан фирибгарлик йўли билан пул ундириш учун “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга ҳисобланган солиқлар бўйича тўпланган ҳужжатларни Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК Департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармасига ўтказиб юборилгани ҳолатидан Ў.Норматов норози бўлиб, уларга берган пулларини қайтариб беришни талаб қилиб, мазкур ҳолат бўйича ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб, ДХХнинг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига йўллаган аризаси юзасидан 2025 йил 28 июль куни соат 22<sup>30</sup> ларда ўтказилган тезкор тадбирда ХХХ Ў.Норматовдан ХХХ орқали фирибгарлик йўли билан олган пуллардан 8.000.000 сўмини қайтариб бераётганида ашёвий далиллар билан ушланган.

**ХХХ** 2025 йил 28 июлга қадар Сурхондарё вилоят солиқ бошқармасида солиқ қарзларини ундиришни ташкил қилиш бўлими



катта инспектори вазифасида ишлаб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан кўп миқдорда ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, жиноий режаларини амалга ошириш учун бошқарманинг солиқ қарзларини ундиришни ташкил қилиш бўлими бош инспектори ХХХ ва собиқ ҳамкасби ХХХлар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, жиноий шериги ХХХнинг таъсисчилигида бўлган “Гагарин ёшлари” ХК ва “Дилшод бинокор маркет” МЧЖ, унинг норасмий бошқарувида бўлган “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча”, “Бешқўтон омад кафолат”, “Обод маскан агрофирмаси”, “Метал парчалари” МЧЖлар, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Shodiyona Hojiakbar young stars” ОКларни бухгалтерия ва солиқ фаолиятини бошқариб келишидан жинояткорона мақсадларда фойдаланиб, ХХХ орқали “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ўртасида

30.04.2022 йилда 12-сонли 290.260.000 сўмлик, “Метал парча плус” ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 12.05.2022 йилда 08-сонли 1.157.325.270 сўмлик, 26.05.2022 йилда 10-сонли 376.030.795 сўмлик, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 11.05.2022 йилда 07/05-сонли 280.830.000 сўмлик, 19.05.2022 йилда 10/05-сонли 346.104.000 сўмлик, 26.05.2022 йилда 14/05-сонли 532.721.400 сўмлик, 30.05.2022 йилда 18/05-сонли 1.156.114.550 сўмлик, “Янгиобод метал парча” МЧЖ ва “Мингнароров Ботир” МЧЖ ўртасида 05.01.2023 йилда 1.216.270.720 сўмлик, “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ва “Халқобод Агро Инвест” МЧЖ ўртасида 27.05.2024 йилда 0661-сонли 49.770.000 сўмлик, 26.06.2024 йилда 0858-сонли 16.854.000 сўмлик, “Янгиобод метал парча” МЧЖ ва “Саразия Модерн строй” МЧЖ ўртасида 29.09.2023 йилдаги 555-сонли 1.486.268.071 сўмлик, “Дилшод бинокор маркет” МЧЖ ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 10.11.2023 йилда 1546-сонли 2.790.000.000 сўмлик, “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ва “Шодиёна Хожиакбар ёунг стар” ОК ўртасида 30.08.2024 йилда 97-сонли 1.124.029.760 сўмлик, 12.01.2025 йилда 55-сонли 1.064.918.400 сўмлик, шу каби “Азамат Акбар давр” МЧЖ, “Агротех агроинвест” МЧЖ, “Музработ Тезкор қурилиш” МЧЖ, “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖ, “Обод маскан агрофирмаси” МЧЖ, “Метал парчалари” МЧЖ, “Бешқўтон Чорбоғ” ФХ, “Музработ Достон” ФХ, “Туронбек Чорваси” ФХ ва “Гагарин Ёшлари” ХК ўрталарида ушбу тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва таъсисчилари бир-бирларини танимаган ва тадбиркорлик алоқаларига умуман киришмаган бўлса-да, уларнинг хабардорлигисиз ва розилигисиз турли сўмлик маҳсулотлар сотиб олингани ва хизматлар кўрсатилгани ҳақида сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилиб, юқоридаги тадбиркорлик субъектларида 2.926.308.820 сўмлик ортиқча, 1.000.299.991 сўмлик қўшимча ва 25.203.351.991 сўмлик сунъий солиқ қарздорликларини юзага келтириб, ушбу тадбиркорлик субъектларини қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиб, шу усулда жиноий



шериклари ХХХ ва ХХХ билан бирга сохта солиқ қарзларини ошириб, жиноий шериклари ХХХ ва ХХХлар билан бирга улардан солиқ қарзларини тадбиркорлик субъектларини банкрот қилиш йўли билан қарздорлик реестридан чиқариш учун фирибгарлик йўли билан пул талаб қилиб келган.

Шунингдек, ХХХ ўзининг собиқ ҳамкасби ХХХ ва бошқарманинг солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими бош инспектори ХХХлар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, тадбиркорлик субъектларини электрон логин, парол ва калитларини қўлга киритиб, улардан фойдаланиб, ўзаро таниш бўлмаган ҳамда умуман тадбиркорлик алоқаларига киришмаган тадбиркорлик субъектларини маҳсулот сотиб олгани ёки хизмат кўрсатгани ҳақида уларнинг хабардорлигисиз сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилиши, уларни тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари номидан ХХХ орқали электрон тасдиқланиши, натижада катта солиқ қарздорликларини сунъий ҳосил қилишиб, ушбу тадбиркорларни солиқ текширувлари ўтказиш ва натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўтказишни айтиб, тадбиркорларга Сурхондарё вилояти солиқ бошқармасида ишловчи жиноий шериги ХХХ ва ўзининг тадбиркорлик субъектларини солиқ қарздорлиги билан бирга банкрот қилиш ҳамда қарздорлигини реестрдан чиқариш хизматларини тақлиф қилиб келган.

Хусусан, ХХХ мазкур жиноий ҳаракатларини амалга ошириши давомида Музработ туманида фаолият юритувчи “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни бухгалтерия ва солиқ фаолиятини жиноий шериги ХХХ томонидан бошқариб келинганидан жинояткорона фойдаланиб, у орқали сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштириш орқали “Метал парча плус” МЧЖга 2.419.680.170 сўм, “Янгиобод метал парча” МЧЖга 4.559.561.561 сўм ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга 885.191.400 сўм сунъий солиқ қарздорлигини келтириб чиқаришга эришиб, Ў.Норматовни солиқ текширувлари ўтказилиши ва натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориб, жиноят иши қўзғатилиши билан ХХХ орқали маълум қилиб, Ў.Норматовдан 2022 йилнинг февраль ойида “Метал парча плус” МЧЖни банкрот қилиш учун 10.000.000 сўм, 2023 йилнинг ноябрь ойидан 2024 йилнинг февраль ойига қадар “Янгиобод метал парча” МЧЖни банкрот қилиш учун 4.000 АҚШ доллари ва 2024 йилнинг июнь ойида “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни банкрот қилиш учун 6.000 АҚШ доллари, жами 10.000 АҚШ доллари (2024 йил 28 июнь ҳолатига 1 АҚШ доллари 12.555,16 сўм ҳисобида) 125.551,600 сўм ва 10.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, шундан 6.000 АҚШ долларидан 2.000 АҚШ долларини ХХХда қолдириб, қолган 8.000 АҚШ доллари ва 10.000.000 сўм пулларни жиноий шериги ХХХ билан бўлишиб олиб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаган.



Шунингдек, ХХХ жиноий шериклари ХХХ ва ХХХлар билан бирга Ў.Норматовдан фирибгарлик йўли билан пул ундириш учун “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга ҳисобланган солиқлар бўйича тўпланган ҳужжатларни Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК Департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармасига ўтказиб юборилгани ҳолатидан Ў.Норматов норози бўлиб, уларга берган пулларини қайтариб беришни талаб қилиб, мазкур ҳолат бўйича ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб, ДХХнинг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига йўллаган аризаси юзасидан 2025 йил 28 июль куни соат 22<sup>30</sup> ларда ўтказилган тезкор тадбирда ХХХ Ў.Норматовдан ХХХ орқали пора тариқасида олган пулларидан 8.000.000 сўмини қайтариб бераётганида ашёвий далиллар билан ушланган.

**ХХХ** алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан кўп миқдорда ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, ушбу жиноий мақсадларини амалга ошириш учун Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси солиқ қарзларини ундиришни ташкил қилиш бўлими катта инспектори ХХХ ва бошқарманинг солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими бош инспектори ХХХлар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлиб, ўзининг таъсисчилигида бўлган “Гагарин ёшлари” ХК ва “Дилшод бинокор маркет” МЧЖларни расмий, “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча”, “Бешқўтон омад кафолат”, “Обод маскан агрофирмаси”, “Метал парчалари” МЧЖлар, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Shodiyona Hojiakbar young stars” ОКларни 2021-2025 йиллар давомида норасмий бошқариб келиб, ушбу тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерия ва солиқ фаолиятини ўзи юритиб, мазкур тадбиркорлик субъектларини уларнинг таъсисчиларидан қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб туриш шарти билан олиб, амалда улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ўртасида 30.04.2022 йилда 12-сонли 290.260.000 сўмлик, “Метал парча плус” ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 12.05.2022 йилда 08-сонли 1.157.325.270 сўмлик, 26.05.2022 йилда 10-сонли 376.030.795 сўмлик, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 11.05.2022 йилда 07/05-сонли 280.830.000 сўмлик, 19.05.2022 йилда 10/05-сонли 346.104.000 сўмлик, 26.05.2022 йилда 14/05-сонли 532.721.400 сўмлик, 30.05.2022 йилда 18/05-сонли 1.156.114.550 сўмлик, “Янгиобод метал парча” МЧЖ ва “Мингнароров Ботир” МЧЖ ўртасида 05.01.2023 йилда 1.216.270.720 сўмлик, “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ва “Халқобод Агро Инвест” МЧЖ ўртасида 27.05.2024 йилда 0661-сонли 49.770.000 сўмлик, 26.06.2024 йилда 0858-сонли 16.854.000 сўмлик, “Янгиобод метал парча” МЧЖ ва “Саразия Модерн строй” МЧЖ ўртасида 29.09.2023 йилдаги 555-сонли 1.486.268.071 сўмлик, “Дилшод бинокор маркет” МЧЖ ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 10.11.2023 йилда 1546-сонли 2.790.000.000 сўмлик, “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ва “Шодиёна



Хожиакбар ёунг стар” ОК ўртасида 30.08.2024 йилда 97-сонли 1.124.029.760 сўмлик, 12.01.2025 йилда 55-сонли 1.064.918.400 сўмлик, шу каби “Азамат Акбар давр” МЧЖ, “Агротех агроинвест” МЧЖ, “Музработ Тезкор қурилиш” МЧЖ, “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖ, “Обод маскан агрофирмаси” МЧЖ, “Метал парчалари” МЧЖ, “Бешқўтон Чорбоғ” ФХ, “Музработ Достон” ФХ, “Туронбек Чорваси” ФХ ва “Гагарин Ёшлари” ХК ўрталарида ушбу тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва таъсисчилари бир-бирларини танимаган ва тадбиркорлик алоқаларига умуман киришмаган бўлса-да, уларнинг хабардорлигисиз ва розилигисиз турли сўмлик маҳсулотлар сотиб олингани ва хизматлар кўрсатилгани ҳақида сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, мазкур жиноий хатти-ҳаракатлари билан юқоридаги тадбиркорлик субъектларида 2.926.308.820 сўмлик ортиқча, 1.000.299.991 сўмлик қўшимча ва 25.203.351.991 сўмлик сунъий солиқ қарздорликларини юзага келтириб, ушбу тадбиркорлик субъектларини қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиб, сохта солиқ қарзларини ошириб, жиноий шериклари ХХХ ва ХХХлар билан бирга улардан солиқ қарзларини тадбиркорлик субъектларини банкрот қилиш йўли билан қарздорлик реестридан чиқариш учун фирибгарлик йўли билан пул талаб қилиб келган.

Шунингдек, ХХХ Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси солиқ қарзларини ундиришни ташкил қилиш бўлими катта инспектори ХХХ ва бошқарманинг солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими бош инспектори ХХХлар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлиб, тадбиркорлик субъектларини электрон логин, парол ва калитларини қўлга киритиб, улардан фойдаланиб, ўзаро таниш бўлмаган ҳамда умуман тадбиркорлик алоқаларига киришмаган тадбиркорлик субъектларини маҳсулот сотиб олгани ёки хизмат кўрсатгани ҳақида уларнинг хабардорлигисиз сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, уларни тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари номидан ўзи электрон тасдиқлаб, натижада катта солиқ қарздорликларини сунъий ҳосил қилиб, ушбу тадбиркорларни солиқ текширувлари ўтказиш ва натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўтказишни айтиб, уларни алдаб, тадбиркорларга Сурхондарё вилояти солиқ бошқармасида ишловчи жиноий шериклари ХХХ ва ХХХларни тадбиркорлик субъектларини солиқ қарздорлиги билан бирга банкрот қилиш ҳамда қарздорлигини реестрдан чиқариш хизматларини таклиф қилиб келган.

Хусусан, ХХХ мазкур жиноий ҳаракатларини амалга ошириши давомида Музработ туманида фаолият юритувчи “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни бухгалтерия ва солиқ фаолиятини унинг раҳбари Ў.Норматов билан келишган ҳолда ҳақ эвазига 2022 йилдан бошлаб юритиб, ҳисоботларни расмийлаштириб, солиқ органларига жўнатиб келиб, сохта ҳисоб-



фактуралар расмийлаштириш орқали “Метал парча плус” МЧЖга 2.419.680.170 сўм, “Янгиобод метал парча” МЧЖга 4.559.561.561 сўм ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга 885.191.400 сўм сунъий солиқ қарздорлигини келтириб чиқариб, Ў.Норматовни солиқ текширувлари ўтказилиши ва натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориб, жиноят иши қўзғатилишини айтиб, Ў.Норматовдан 2022 йилнинг февраль ойида “Метал парча плус” МЧЖни банкрот қилиш учун 10.000.000 сўм, 2023 йилнинг ноябрь ойидан 2024 йилнинг февраль ойига қадар “Янгиобод метал парча” МЧЖни банкрот қилиш учун 4.000 АҚШ доллари ва 2024 йилнинг июнь ойида “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни банкрот қилиш учун 6.000 АҚШ доллари, жами 10.000 АҚШ доллари (2024 йил 28 июнь ҳолатига 1 АҚШ доллари 12.555,16 сўм ҳисобида) 125.551,600 сўм ва 10.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, шундан 6.000 АҚШ долларидан 2.000 АҚШ долларини ўзида олиб қолиб, қолган 8.000 АҚШ доллари ва 10.000.000 сўм пулларни жиноий шериклари ХХХ ва ХХХларга бериб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатган.

Шу каби, ХХХ жиноий шериклари ХХХ ва ХХХлар билан бирга Ў.Норматовдан фирибгарлик йўли билан қўшимча пул ундириш учун “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга ҳисобланган солиқлар бўйича тўпланган ҳужжатларни Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК Департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармасига ўтказиб юборилгани ҳолатидан Ў.Норматов норози бўлиб, уларга берган пулларини қайтариб беришни талаб қилиб, мазкур ҳолат бўйича ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб, ДХХнинг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига йўллаган аризаси юзасидан 2025 йил 28 июль куни соат 22<sup>30</sup> ларда ўтказилган тезкор тадбирда ХХХ Ў.Норматовдан ХХХ орқали олган пулларидан 8.000.000 сўмини қайтариб бераётганида ашъвий далиллар билан ушланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўралган **ХХХ** ўз кўрсатувида жиноий ҳаракатларига иқрорлик билдирмасдан, у Сурхондарё вилоят солиқ бошқармасида солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими бош инспектори вазифасида 2025 йил 28 июлга қадар ишлагани, хизмат вазифасига банкротлик ҳисоботларини юритиш, суд қарорларига асосан реестрдан чиққан корхоналарнинг қарздорликларини маълумотлар базасидан чиқариш, банкротлик бўйича умумий тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорларнинг мулкини соттириш, уларнинг солиқ қарзини ундириш бўйича тугатиш бошқарувчилари билан ҳамкорликда ишлаш, ўзига юклатилган масалалар бўйича бўлимга келган хатлар, шикоятлар ва бошқа аризаларни кўриб чиқиш кириши, шунингдек, солиқ самарадорлиги дастурига Музработ туманига бириктирилгани, у хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд солиқ қарздорлиги бўйича, МИБ орқали ундириш имкони бўлмаган “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган



хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддаси 3-бандига асосан ундириш имкони йўқ деб қайтарилган ижро ишлари бўйича Иқтисодий судга тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш бўйича ариза киритиш, тугатилганлиги юзасидан суд ажримига асосан солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш бўйича қарор лойиҳасини яратиш ва имзоланган қарорни солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш учун Солиқ қўмитасига реестрга асосан тақдим қилиш вазифасига киргани, ХХХни таниши, у билан курсдош бўлгани ва у Музработ туман солиқ инспекциясида ишлагани, 2025 йилнинг бошида суднинг қарорига асосан “Шодиёна Хожиакбар Young star” ва “Бинокор маркет” МЧЖлар банкрот деб эълон қилиниб, суд тугатиш бошқарувчиси томонидан ўрганиш жараёнида юқоридаги жамиятларнинг фаолиятида сохта банкротлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблаб, тўпланган хужжатларни вилоят ИЖҚК Департаментга юборгани, бу ҳақида 2025 йилнинг июнь ойида ХХХ суд тугатиш бошқарувчиси билан гаплашиб беришни илтимос қилгани, унга рад жавобини бергани, “Янгиобод металл парча” МЧЖ ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларнинг ҳам фаолиятини ХХХ юритиб келади деб ўйлагани, чунки мазкур жамиятларнинг солиқ қарздорликлари юзага келганида ХХХ қарашиб туришни, ушбу жамиятлар ўзига тегишли эканлигини маълум қилгани, лекин ушбу жамиятнинг расмий раҳбари ким эканлигини текшириб кўрмагани, “Янгиобод металл парча” МЧЖ 28.03.2025 йилда тугатилган бўлиб, вилоят Департаменти томонидан сохта банкротлик аломатлари мавжудлигини ўрганиш юзасидан терговга қадар текшириш ҳаракатлари олиб борилаётганлиги сабабли, тиклаш мақсадида Шеробод туманлараро Иқтисодий судига ариза билан чиқганлиги, “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖ ҳам ўрганиб, Иқтисодий судга тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш бўйича ариза киритилиб, банкротлик жараёнида давом этаётгани, 2025 йилнинг 23 июль куни Ў.Норматов ишхонасига келиб унга гаплашиб олиши кераклигини айтгани ва у билан кўришганида ўзини “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖ раҳбари деб таништириб, ХХХга юқоридаги жамиятини ҳамкасби ХХХ ва ўзи орқали банкрот қилиш учун 6.000 АҚШ доллари берганлигини, ҳамкасби ХХХ билан гаплашганида эса у ХХХдан 3.800 АҚШ долларини қарзга олганлигини айтаётганини, жамиятига нисбатан жиноят иши қўзғатилиши арафасида бўлганлиги сабабли, берган пулларни қайтариб беришни сўрагани, шу вақтда унга аслида ундан пул олмаган бўлса ҳам, уни 1-2 кунга ариза қилмасдан туриши учун, ХХХдан олинган пулларни ҳамкасби ХХХ билан 1.000 АҚШ долларини ишлатган бўлиши мумкинлигини, 3.000 АҚШ доллари эса суд тугатиш бошқарувчисига ишини хал қилиш мақсадида берилганини, лекин ундан қайтариб олиб бўлмаслигини, тугатиш бошқарувчиси ҳам ҳаракат қилаётганини маълум қилгани, агарда пулларни эгаси сўраётган бўлса ҳамкасби ХХХ билан бирга ушбу пулларни қилиб беришни айтгани, сўнг 2025 йил 28



июль куни кечки пайт соат 22<sup>00</sup>лар атрофида Термиз шаҳридаги, “Зайтун” ошхонасининг рўпарасида жойлашган масжиднинг автотураргохида у Ў.Норматов билан учрашгани, у Ў.Норматов билан кўришганида, у ХХХ бугун пулни беришни айтганлиги, ўзини келишини маълум қилганини айтгани, шунда у Ў.Норматовга пули йўқлигини, ўзи пул олмаганлиги сабабли пул бермаслигини, эртага ХХХни олдида юзма-юз гаплашиб, ушбу масалани хал қилишини айтгани, Ў.Норматов унга ХХХ бугунга ваъда берганлигини, ҳеч бўлмаса 10 млн. сўм пул беришини айтиб илтимос қилгани, у Ў.Норматовга кредитини тўлаганини, ҳозир пули йўқлигини, эртага гаплашиб масалани хал қилишини айтгани, шу билан улар хайрлашгани, у уйига қараб “Кобалт” русумли автомашинасида кетаётганида олдинда Ў.Норматов “Кобалт” русумли автомашинасида кетаётганлиги, шу вақтда унинг машинасидан орқасида чироғини ўчириб-ёқиб машинасини четга тўхтатишни ишора қилгани, Ў.Норматов ишорага асосан машинасини четга олиб тўхтаганида, у машинасида бўлган пулларни олиб Ў.Норматовга 9.000.000 сўм пул деб айтиб берган вақтда тезкор-тадбирда ушлангани, шу вақт пуллар санаб кўрилганида 8.000.000 сўм эканлиги, у суд бошқарувчиларга ҳеч қандай пул бермагани, пулларни дўстлари ХХХ ва ХХХлар эмас, суд бошқарувчиларига берилгани ҳақида айтиб, Ў.Норматовни алдагани, Ў.Норматов унга ХХХга 1 та жамиятни банкрот қилиш учун 11.000 АҚШ доллари берганлигини маълум қилганида, унинг гапига жавобан у унга тегишли деб билган корхоналарнинг барчаси

11 тани кўшганда ҳам унча пул бермаганлигини назарда тутиб қолган фирмаларни таҳлил қилгани, яъни “Young star” МЧЖ учун бир ярим минг берганини айтгани, лекин аслида ушбу жамият учун ҳеч қандай пул олмагани, у суҳбат давомида ХХХ ҳақида гапирмагани, фақат Ў.Норматов ХХХ ва ХХХларнинг устидан ариза бериб юбормаслиги учун шундай баҳоналар тўқиб уни алдагани, аслида бирор ноқонуний ишларга аралаштирмагани, фақат Ў.Норматовни чалғитиш ва ариза бериб юбормаслик учун шундай гапларни гапиргани, ушбу ҳолатда бирор шахсдан пул олмагани, ХХХдан ҳам, ХХХ ва Ў.Норматовдан ҳам пул олмагани, у Ў.Норматовдан пул олмаган бўлса-да, ундан пулларни қайтаришни илтимос қилиб сўрагани учун ХХХ ва ХХХлар билан бирга гаплашиб, ким қанча пул олгани ҳолатини ойдинлаштирмоқчи бўлгани, шу сабабли, мазкур мазмунда Ў.Норматов билан телефонда суҳбат бўлгани, Ў.Норматовга 8.000.000 сўм пулларни ишлатиб туриши учун бергани, унга Ў.Норматов пул кераклигини айтиб, бухгалтерияси учун қайтариб бериш шарти билан 8.000.000 сўм бериб тургани, ушбу пулларни 9.000.000 сўм деб ўйлагани, бироқ пулнинг 1.000.000 сўмини ишлатгани, шу сабабли, 8.000.000 сўмни Ў.Норматовга ишлатиб туриш учун бергани, ташкилотларни банкротлик қилиш хизмат вазифасига кирмаслиги, бу иш суд бошқарувчиси ва суднинг ваколатига кириши,



Ў.Норматов ва бошқаларга тегишли ташкилотларни банкрот қилиш учун деб пул маблағлари олмагани, муқаддам судланмагани, вояга етмаган фарзандлари борлиги, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўралган XXX ўз кўрсатувида жиноий ҳаракатларига иқрорлик билдирмасдан, у Сурхондарё вилоят солиқ бошқармаси Солиқ қарзларини ундиришни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ катта инспектори вазифасида 2025 йил 28 июлга қадар ишлагани, хизмат вазифаси солиқ қарзлари бўйича корхоналарнинг банк ҳисоб рақамларига инкассо тўлов топшириқномаларини тўлиқ ва тўғри қўйилганини таҳлил қилиш, номзод чиққан асосли ҳолатларни ижросиз қайтариш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, солиқ қарзи ҳосил бўлишини билган ҳолда банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ва бошқа активларни учинчи шахсларга ўтказиб юборган ёки реализация қилган товар, бажарган иш ҳажми учун бошқа шахсларга ўтказиб юборилган маблағларни аниқлаб, ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш, ўзига бириктирилган туманларда солиқ қарздорлигини ундириш ишларини ташкил этиш ва бошқа вазифаларни бажаргани, у корхоналарнинг банкротлик ишларини юритиш ҳужжатларини расмийлаштириш ваколатига эга эмаслиги, хизмат вазифасига кирмаслиги, у XXXни таниши, у турли тадбиркорлик субъектларини бухгалтерия ишларини юритиб келиши, XXX билан ортиқча тўлов топшириқнома ва инкассалар бўйича гаплашиб тургани, бироқ, айнан қайси тадбиркорлик субъектлари ҳақида гаплашиб тургани аниқ эсида йўқлиги, у иш фаолиятидан ташқари бошқа фаолият билан шуғилланмагани, у XXXдан 4.000 АҚШ долларини 2024 йил декабрь ойларида қарз сифатида олгани, кейин XXX унга 4.000 АҚШ долларини Ў.Норматовдан олганлигини айтиб, у билан гаплашишни айтгани, у Музработ туманига бориб Ў.Норматов билан фақат қарздорлик ҳақида гаплашгани, микроқарз олиб бўлса ҳам қарзини беришини айтгани, қарз пулларини қайтариб бериш муддатини узайтириб туриш учун гаплашгани, у қарзни XXXдан олгани сабабли XXX унга қарзни қайтариш масаласида Ў.Норматов билан гаплашиб олишини айтгани, у XXXдан олган 4.000 АҚШ долларини қурилиш ишларига сарфлагани, Ў.Норматов “Бешқўтон Омад Кафолат” МЧЖ бўйича қарзи йўқлиги ҳақида маълумотномаси борлигини, XXX фактура ёзиб ушбу жамиятни сунъий қарздор қилиб ташлаган деб айтгани, у Ў.Норматовнинг олдига қарзни қайтариш учун муддат сўраб борганида Ў.Норматов унга XXX ушбу 4.000 АҚШ долларини 6.000 АҚШ доллари эканини, XXX ундан Ў.Норматовнинг корхоналарини банкрот қилиб бериш учун 6.000 АҚШ долларини олганини айтгани, бироқ ушбу ишларга унинг алоқаси бўлмагани, Ў.Норматовнинг ёки бошқа ташкилотларнинг корхоналарини банкрот



қилиш учун деб пул маблағи олмагани, муқаддам судланмагани, вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўралган XXX ўз кўрсатувида жиноий ҳаракатларига қисман иқрорлик билдириб, у 2014-2022 йилларга қадар Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси тизимида турли вазифаларда ишлагани, охири марта Музработ туман солиқ инспекциясида ишлагани, иш жойи қисқаргани учун 2022 йилда ишдан кетгани, фуқаро Ў.Норматовни 2022 йилдан танишини, Ў.Норматов ундан иш бўйича маслаҳатлар сўраганида маслаҳатлар бергани, Ў.Норматовга алоқадор бирор фирмаларнинг солиқ ҳисоботларини юритмагани, у Ў.Норматовнинг фирмаларини бошқариш бўйича ўз тавсия ва маслаҳатларни бергани, бошқа тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмагани, XXX ва XXXни солиқ идораларида ишлаган вақтидан таниганлиги, Ў.Норматовдан “Метал парчалари” МЧЖни банкрот қилиш учун 10.000.000 сўм пулларни олмагани, шунингдек “Янгиобод Метал парча” МЧЖни банкрот қилиш учун 4.000 АҚШ доллари пулларни ва “Янгиобод Метал парча” МЧЖни банкрот қилиш учун ундан 4.000 АҚШ доллари пулларни, “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни банкрот қилиш учун 6.000 АҚШ доллари пулларни олмагани, у 2024 йилнинг ноябрь ойида Ў.Норматовдан 4.300 АҚШ доллари пул қарз олгани, Ў.Норматовдан ўз эҳтиёжлари учун пул сўрагани, кейин 4.000 АҚШ долларини таниши солиқ ходими Ҳ.Назаров қарз сифатида бериб туришни сўрагани учун унга Ў.Норматовдан олган пулидан қарзга бергани, ўзига пул кераклиги учун 2025 йилнинг апрель ойларидан бошлаб пулларни қайтаришни сўраганида Ҳ.Назаров пулларни қайтаришни ортга суриб келгани, шундан кейин у Ў.Норматовни пулларини қайтариб олиш учун Ў.Норматовга Ҳ.Назаров билан шу мазмунда пулларни қайтариш ҳақида гаплашиши кераклигини тавсия қилгани, Ў.Норматов билан суҳбат давомида 6.000 АҚШ доллари масаласида гаплашилгани, бунга сабаб, у Ў.Норматовдан пул олганига бир йилга яқинлашгани сабабли Ў.Норматов бир йил давомида ушбу пулга кўп марта фойда қилишини айтгани учун, ундан фоизлари билан 6.000 АҚШ доллари қайтаришни сўрагани, у Ў.Норматовдан қарз олгани, ушбу пулларни қайтариш масаласида Ҳ.Назаров билан гаплашганида ўртага таниши солиқ ходими XXX тушиб, бироз кутиб туриш кераклигини, ҳозирда Ҳ.Назаровнинг пули йўқлигини айтиб, кейинроқ қарзларини қайтаришни айтгани учун XXX ҳам ушбу ишларга аралашиб қолгани, у Ў.Норматов билан ўзаро суҳбатида Ҳ.Назаров ва XXXларга “Янгиобод метал”ни банкрот қилиш учун 2.000 АҚШ доллари, кейингисига 3.000 АҚШ доллари ва мана бунисига 6.000 АҚШ доллари берганини айтиб, уларни ҳам қайтариш масаласида гаплашишни, қўрқитиб пул олиш кераклигини тушунтириш мақсадида гапиргани, у Ў.Норматовдан олган 4.300 АҚШ долларини



4.000 АҚШ долларини Ў.Норматовдан олиши билан унинг кўз олдида Ҳ.Назаровга қарз сифатида бергани, шу сабабли, Ў.Норматов ушбу ҳолатга гувоҳ бўлгани учун пулларни Ҳ.Назаровдан сўрашини айтгани, “Гагарин Ёшлар” ХК ва “Дилшод бинокор маркет” МЧЖларнинг директори ўзи ва корхона ишларини тўлиқ ўзи бошқаргани, корхонанинг банк, молия, солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини ўзи расмийлаштиргани, “Гагарин Ёшлар” ХКнинг 2.640.917.501 сўмлик ва “Дилшод бинокор маркет” МЧЖнинг 526.733.736 сўмлик солиқ қарздорлиги келиб чиқиш сабабларини аниқ билмаслиги, Ў.Норматовга тегишли жамиятларни ҳисоботларини юритмагани, у Ў.Норматов билан телефондаги суҳбатлари давомида “Метал плус” билан “Янгиобод метал”ни банкрот қилиш учун дастлаб 2.000 АҚШ доллари, кейингисига 3.000 АҚШ доллари ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни банкрот қилиш учун 6.000 АҚШ доллари берганини айтишини, иккита фирмани Баҳром жиянга берганман деб тушунтиришини маълум қилгани, ушбу суҳбат ХХХга берган 4.000 АҚШ доллари қарзини қайтариб олиш масаласида бўлгани, шундай деб, қарзини тез беради деб тавсия бергани, “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖнинг 885.191.400 сўм, “Метал парчалари” МЧЖнинг 2.386.032 сўм, “Метал парча плус” МЧЖнинг 2.151.348.753 сўм ва “Янгиобод метал парча” МЧЖнинг 4.559.561.561 сўм солиқ қарздорлигини келиб чиқиш сабабларини билмаслиги, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Шодиёна Хожиакбар young star” ОК кимга тегишли эканини билмаслиги, у ушбу корхоналарни бошқариш учун олмагани, “Шодиёна Хожиакбар young star” ОК ва “Аброр Хожиакбар” ХКларнинг банк, молия, солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини ким юритганини билмаслиги, “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКнинг 8.104.040.725 ва 115.108.191 сўм қўшимча ҳамда “Аброр Хожиакбар” ХКнинг 1.108.601.123 сўм солиқ қарздорлиги келиб чиқиш сабабларини билмаслиги, “Обод маскан агрофирмаси” МЧЖ кимга тегишли эканини билмаслиги, ушбу жамиятнинг мансабдор шахслари ҳақида хабари йўқлиги, ушбу жамиятни бошқармагани, “Амирқул бобо КАА” ФХга 800.988.486 сўм, “Азамат акбар давр” МЧЖга 324.358.728 сўм, “Тоқчи Қўшчинор” ФХга 272.390.160 сўм, “Бешқўтон Чорбоғ” ФХ 191.142.857 сўм, “Музработ Достон” ФХга 192.180.000 сўм, “Саразия Модерн Строй” МЧЖга 159.243.008 сўм, “Халқобод агро инвест” МЧЖга 153.000.000 сўм, “Туронбек Чорваси” ФХга 152.146.574 сўм, “Агротех Агроинвест” МЧЖга 150.560.869 сўм, “Музработ Тезкор қурилиш” МЧЖга 131.652.000 сўм, “Мингнароров Ботир” МЧЖга 130.314.720 сўм ортиқча ҚҚС ҳисоблангани ҳолатларидан хабари йўқлиги, раҳбарларини бирортасини танимаслиги, ушбу корхона, жамиятлар фаолиятига аралашмагани, уларга ҳисоб-фактуралар расмийлаштирмагани, ўзаро ҳисоб-фактура алмашинувидан келиб чиққан жами 25.203.386.032 сўм солиқ, 1.000.299.591 сўм қўшимча солиқ ва 2.926.308.820 сўм ортиқча ҚҚС келиб чиқиш сабабини



тушунтириб бераолмаслиги, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган **Ў.Норматов** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у “Метал парчалари”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларнинг таъсисчиси ва директори экани, ХХХни 2022 йилдан бошлаб танигани, у “Метал парчалари”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни молия, банк, солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини расмийлаштиришда қийинчиликларга дуч келгани учун ХХХдан ушбу корхоналарнинг ҳисоботларини юритишни сўрагани, у ҳисоботларга қарашиб келгани, ушбу жамиятларнинг барча ҳисоботларга кириш учун электрон солиқ ҳисоботлари калитларини ундан ХХХ олгани, у 2020 йилдан бошлаб метал савдоси билан, аҳолидан уларга кераксиз металлларни йиғиш ишлари билан шуғулланиши, ҳар йили бошқа-бошқа фирмалар ташкил этиб, фаолият кўрсатиб келгани, сабаби Бекабоддаги метал завод бошқа фирмалар билан бир йилдан кейин шартнома қилмасдан қўйгани, шу сабабли, ҳар йили турлича фирмалар очиб келгани, ХХХ “Метал парчалари” МЧЖнинг ҳам барча ҳисоботларини юритгани, 2022 йилда ушбу жамиятни тугатиш зарурияти туғилгани, ХХХ “Метал парчалари” МЧЖни тугатиш учун 2022 йилнинг тахминан февраль ойларида ундан 10.000.000 сўм олгани, у “Метал парчалари” МЧЖнинг солиқ қарздорликлари бўлганини билмагани, ХХХ 24.06.2022 йилда “Метал парчалари” МЧЖни тугатган эканлиги, у “Янгиобод метал парча” МЧЖнинг 1 млрд. сўмдан ортиқ солиқ қарздорлиги борлигини 2023 йилнинг ёз ойларида ИЖҚҚДнинг Музработ туман бўлимига борганида билгани, кейин, “Янгиобод метал парча” МЧЖнинг ҳам банк, молия, солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини юритувчи ХХХдан ушбу ҳолат бўйича маслаҳат сўраганида ХХХ ушбу “Янгиобод метал парча” МЧЖни банкрот қилиб беришини айтиб, харажати бўлишини айтиб, пул сўрагани, у “Янгиобод метал парча” МЧЖни тугатиб бериш учун ХХХга 2023 йилнинг ноябрь ойидан 2024 йилнинг февраль ойига қадар 4.000 АҚШ доллари олгани, ХХХ ушбу ишларни вилоят солиқ бошқармасида ишловчи танишлари орқали ҳал этиб беришини айтгани, шунингдек, “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни ҳам солиқ қарздорлиги борлигини 2024 йилнинг бошларида ХХХдан билгани, кейин “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни ҳам банкрот қилиб беришини айтиб, 6.000 АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, ушбу пулларни ўзининг вилоят солиқ бошқармасида ишловчи танишларига беришини айтгани, у 2024 йилнинг июнь ойларида 6.000 АҚШ доллари тайёрлаб, ХХХ билан бирга Термиз шаҳрига келиб, Ҳусниддин айтган жойга боргани, улар Яшил Дунё бозори тарафга борган вақтида Ҳусниддин учрашиш манзилини ўзгартириб, “Мангузар” маҳалласидаги Термиз халқаро аэропортига бурилиш жойига чақиргани, бу ерда кўчада у ва ХХХ



машинада тўхтаганида Хусниддин Дамас русумли автомашинасида келгани, кейин ХХХ таниши Хусниддиннинг ёнига бориб, 6.000 АҚШ долларини Хусниддинга бергани, бироқ кейинчалик ХХХ ва ХХХлар билан суҳбат давомида билишича ХХХ олган 6.000 АҚШ долларидан 2.000 АҚШ долларини ўзига олиб қолган эканлиги, ХХХнинг таниши Хусниддин “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни ёпиб бераолмагани, жамият солиқ қарздорлиги билан қолиб кетгани, сўнг “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни ИЖҚКДнинг Сурхондарё вилояти бошқармаси текшириб бошлагани сабабли, у ХХХдан 6.000 АҚШ долларини қайтариб беришни талаб қилгани, шунда ХХХ унга гаплашиб олиши учун ХХХнинг телефон рақамини бериб, пулларни ХХХ қайтариб беришини айтгани, ХХХ ва Хусниддинлар билан телефонда гаплашганида улар ХХХ уларга 3.800 АҚШ доллари берганини, қолган пулларни кўрмаганини айтишгани, кейин, ХХХ ва унинг шериклари ХХХ ҳамда Хусниддинларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб, уларнинг ҳаракатлари ноқонуний бўлгани сабабли уларга нисбатан қонуний чора кўриш учун ДХХнинг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига ариза билан мурожаат қилгани, ариза бўйича 2025 йил 28 июлда Термиз шаҳар “Байналминал” маҳалласи ҳудудида ўтказилган тезкор тадбирда ХХХ унга қайтариб бериши керак бўлган 4.000 АҚШ доллари пулларидан 8.000.000 сўмини қайтариб бераётганида тезкор тадбирда ушлангани, пуллар ҳолислар иштирокида видео камера қўлланилган ҳолда кўздан кечирилганида 8.000.000 сўм эканлиги маълум бўлгани, ушбу пуллар пакетга солиниб муҳрлангани, ХХХга қарзга пул бермагани, судланувчилар билан пул берганлик ҳолатлари юзасидан ўзаро суҳбати қайд этилган дискларни тергов органига тақдим этгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган **З.Сайдалиев** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у “Музработ тезкор қурилиш” МЧЖнинг тасисчиси укаси Х.Сайдалиев ҳисобланиши, лекин корхонани амалда тўлиқ ўзи бошқаргани, ушбу корхонанинг бухгалтерия ҳисоботларини ёлланма бухгалтерларга бажартиргани, ХХХни солиқ идорасида ишлаган вақтида танишиб қолгани ва корхонасининг солиқ ҳисоботларини унга ҳам бажартиргани, “Музработ тезкор қурилиш” МЧЖнинг солиқ қарздорликлари қандай келиб чиқганини билмаслиги, терговга қадар текширув вақтида “Музработ тезкор қурилиш” МЧЖ “Шодиёна Хожиакбар ёунг старс” МЧЖ билан ўзаро махсулотлар олди-берди қилгани ҳақида электрон ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилганини билгани, ушбу ҳолатлардан хабари бўлмагани, ташкилотнинг ҳисоботларини бажариш учун ХХХга логин, паролларини берганлиги, шунда ХХХ ўзига сақлаб олган бўлиши мумкинлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида қўшимча гувоҳ тариқасида сўралган **Н.Шарипов**, ўз кўрсатувида у вилоят солиқ бошқармасининг юридик бўлимида



ишлаши, вилоят солиқ бошқармаси Солиқ қарздорлигини ундириш бўлимида ХХХ 2025 йил 28 июлга қадар ишлагани, унинг вазифасига банкротлик ҳисоботларини юритиш, суд қарорларига асосан реестрдан чиққан корхоналарнинг қарздорлигини маълумотлар базасидан чиқариш, корхонанинг ҳолатларини ўзгартириш ишларини ташкиллаштириш, банкротлик тамоиллари жараёнида кредитор сифатида давлат солиқ хизмати органи масъул ходимларининг амалга оширган ишларини ўрганиб чиқиш ҳамда ўрганиш натижаси бўйича аниқланган камчиликларни баратараф этишни назорат қилиш, банкротлик бўйича умумий тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорларнинг мулкани соттириш, уларнинг солиқ қарзини ундириш бўйича тугатиш бошқарувчилари билан ҳамкорликда ишлаш ва бошқалар кириши, ХХХнинг вазифалари ўзига бириктирилган туманларнинг солиқ қарзларини қисқартириш ва Вазирлар Маҳкамасининг 120-сонли қарори ижроси бўйича дастурдаги қайтмай қолган инкассаларга алоқадор масалаларни кўриб чиқиш кириши, 2024 йил КРІ дастури ишга тушганидан кейин ушбу ишлар билан қайси туман қайси ходимга бириктирилган бўлса, ушбу ходимнинг ўзи шуғалланиб келиши, вилоят солиқ бошқармаси ходими ХХХнинг ўзига бириктирилган туманлар бўйича тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топиш учун судга қадар иш юритиш босқичида ҳужжатларни тайёрлаш ва даъво аризалари билан чиқиш ваколатлари бўлгани, уларнинг хизмат вазифаси шулардан иборат бўлгани, ХХХнинг бундай ваколоти бўлмагани, ХХХ бўлимда тадбиркорлик субъектларининг банкротлик ишларини судга қадар юритиш ишларига ҳужжатлар тўплаш ишлари билан шуғулланмагани, “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларнинг банкротлик ишларини судга қадар ҳужжатларини тайёрлаш ишлари билан бўлимда ХХХ шуғуллангани, бироқ ушбу корхоналарни банкрот қилиш ваколоти ХХХ ёки ХХХда бўлмагани, ХХХ фақатгина қарздорлиги мавжуд корхоналар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириши, қолган ишлар суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилиши ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган **О.Сафаров** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у департамент ходимларининг таклифига кўра ўтказилиши режалаштирилган тезкор тадбирда холис сифатида ўз ихтиёри билан иштирок этгани, уни холис сифатида ишда иштирок этишга мажбур этилмагани, фуқаро Ў.Норматовнинг аризасига кўра ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Ў.Норматов ХХХ билан телефон орқали суҳбатлашганидан сўнг, ўзининг оқ рангли кобалт русумли автомашинасида Термиз шаҳар, Саховат маҳалласи ҳудудида жойлашган масжиднинг автотураргоҳига тезкор тадбир иштирокчилари ва холислар билан бирга борилиб, кузатувга олингани, сўнг Ў.Норматов ва ХХХлар ушбу жойда учрашиб, бироз суҳбатлашиб, кейин улар ўзларининг автомашиналарига ўтириб, йўлда



кетишганлиги, улар тезкор тадбир иштирокчилари билан Ў.Норматов ва ХХХларнинг ортидан кузатиб боришгани, ХХХ Ў.Норматов бошқарувидаги автомашина ортидан ўзининг автомашинасида ҳаракатланиб бориб, Ў.Норматовга автомашинасининг олд чироқлари билан тўхташ ишорасини бергани, сўнг Ў.Норматов ва ХХХлар йўл четида тўхташгани, ХХХ шу ерда Ў.Норматовга пул берганлиги, сўнг ХХХ бориб ўзининг автомашинасига ўтирган вақтида тезкор тадбир иштирокчилари томонидан ушлангани, ХХХдан ўзини таништириш сўралганида ўзини вилоят солиқ бошқармаси ходими деб таништиргани, Ў.Норматов бухгалтерия масалаларига пул зарур бўлганини айтгани учун, Хусниддин билан боғлана олмагани, пул зарурлигини айтгани учун унга 9.000.000 сўм пул берганини маълум қилгани, Ў.Норматов тақдим қилган пуллар холислар иштирокида санаб кўрилганида ушбу пуллар 8.000.000 сўм экани маълум бўлгани ва пуллар расмийлаштириб олингани, барча ҳолатлар видео тасвирга олингани, тезкор тадбир иштирокчилари томонидан ХХХга нисбатан бирор-бир ноқонуний ҳаракатлар содир этилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган **А.Қурбонпўлатов** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у гувоҳ О.Сафаровнинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган **Ў.Ахмедов** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у 13.03.2020 йилда укаси Р.Ахмедовнинг номига “Аброр Хожиакбар” ХКни ташкил этгани, ушбу корхонанинг таъсисчиси укаси Р.Ахмедов бўлса-да, амалда “Аброр Хожиакбар” ХК ўзига тегишли бўлгани ва ўзи тўлиқ бошқаргани, укаси корхона фаолиятига алоқадор масалада иштирок этмагани, “Аброр Хожиакбар” ХК чакана савдо фаолияти билан шуғуллангани, шунингдек 24.02.2021 йилда ўзининг таъсисчилигида “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКни ташкил этгани, корхонани ўзи тўлиқ бошқаргани, у ХХХни таниши, “Аброр Хожиакбар” ХКни 2021 йилнинг бошларида тугатмоқчи бўлгани сабабли, ХХХ Музработ туман ДСИда ишлагани учун ундан маслаҳат сўрагани, ХХХ унга “Аброр Хожиакбар” ХКни тугатмаслигини, корхонани унга беришини, ўзи “Аброр Хожиакбар” ХКни бошқариб, ишлатиб келишини айтгани учун 2021 йилнинг бошларида “Аброр Хожиакбар” ХКни ХХХга муҳр, тамғаси ва барча элкетрон калит, логин ва пароллари билан бирга бергани, у ХХХга ушбу “Аброр Хожиакбар” ХКни ўз номига ўтказиб олиши кераклигини айтгани, бироқ ХХХ ушбу корхонани ўз номига ўтказмагани, кейинчалик билса ХХХ “Аброр Хожиакбар” ХК унинг номида турганидан фойдаланиб, алдаб, ушбу корхонанинг номидан сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштириш билан шуғулланиб, ушбу корхонани солиқ қарздорлигига ўтказгани, худди шу каби, у “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКни 2024 йил январь ойларига қадар бошқаргани, корхонани 2024 йилнинг бошида тугатмоқчи



бўлганида ХХХ ушбу корxonани ҳам тугатмасликни, ушбу корxonани ҳам ўзи бошқаришини айтиб, ўзига беришни сўрагани, у “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКни ҳам 2024 йилнинг январь ойида муҳр, тамғаси, электрон калит, логин ва паролларини ХХХга топширгани, “Шодиёна Хожиакбар young star” ОК оилавий корxона бўлгани учун оиланинг бошқа аъзоларига ўтказиш мумкинлиги, бегона шахсларга ўтказиб бўлмаслиги учун ушбу корxonани ХХХнинг номига ўтказиб бераолмагани, ХХХ унинг номидан корxonаларни тўлиқ ўзи бошқариб келгани, у “Аброр Хожиакбар” ХКнинг ҳозирги кунда 1.108.601.123 сўмлик ва “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКнинг 8.104.040.725 асосий ва 115.108.191 сўм қўшимча солиқ қарздорлиги келиб чиқганини 2024 йилларда Мажбурий ижро бюроси органларидан қарздорлик бўйича хабар келганида билгани, “Аброр Хожиакбар” ХКнинг ҳозирги кунда 1.108.601.123 сўмлик ва “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКнинг 8.104.040.725 асосий ва 115.108.191 сўм қўшимча солиқ қарздорлиги келиб чиқишига сабаб, ХХХ амалда “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКлари томонидан бошқа тадбиркорлик субъектларига сотилмаган маҳсулот ва бажарилмаган хизматлар эвазига сохта ҳисоб-фактураларни расмийлаштиришидан келиб чиқган эканлиги, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКнинг ушбу солиқ қарздорлиги келиб чиқиши сабаби ҳисоб-фактуралар орқали келиб чиқганлигини ИЖҚКДнинг Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган текширишларда хабар топгани, ушбу ҳисоб-фактураларни текшириб кўриш имкони бўлмагани, сабаби “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Шодиёна Хожиакбар young star” ОКларининг барча электрон калит, логин ва паролларини ХХХга бергани, ХХХ сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштиргани сабабини билмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган **Р.Нарзуллаев** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси Солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими бошлиғи экани, вилоят солиқ бошқармаси ходими ХХХни 2021 йиллардан бошлаб танигани, вилоят солиқ бошқармаси Солиқ қарздорлигини ундириш бўлимида Солиқ қўмитаси билан корxonаларни банкрот қилиш масаласида ХХХ қўмита билан гаплашиб, тадбиркорлик субъектларини банкротлик ҳолатига ўтказиши мумкинлиги, шу сабабли, бўлимнинг бошқа ходимлари ҳам банкротлик ҳолатига тадбиркорлик субъектларини ўтказиш учун ҳужжатларини 2024 йилга қадар ХХХга топширгани, ҳозирда бўлимдаги барча ходимлар ўзларига бириктирилган туманлар бўйича юридик шахсларнинг банкротлик, солиқ қарзларини ундириш ва бошқа йўналишлар бўйича ўзлари шуғулланиб келиши, юридик шахсларни банкротлигини судга қадар юритиш ишларида даъво аризаларини судга бериш ишларига қадар бўлган вақтда туманларга бириктирилган



ходимларнинг ўзлари ишлаб келиши, ХХХни 2021 йилдан бошлаб таниши, ХХХ бирор тадбиркорлик субъектларини банкротлик ҳолатига ўтказиш ишлари билан шуғулланмаслиги, унинг вазифалари ўзига бириктирилган туманларнинг солиқ қарзларини қисқартириш ва Вазирлар Маҳкамасининг 120-сонли қарори ижроси бўйича дастурдаги қайтмай қолган инкассаларга алоқадор масалаларни кўриб чиқиш кириши, 2024 йил КРІ дастури ишга тушганидан кейин ушбу ишлар билан қайси туман қайси ходимга бириктирилган бўлса, ушбу ходимнинг ўзи шуғулланиб келиши, вилоят солиқ бошқармаси ходими ХХХнинг ўзига бириктирилган туманлар бўйича тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топиш учун судга қадар иш юритиш босқичида ҳужжатларни тайёрлаш ва даъво аризалари билан чиқиш ваколатлари бўлгани, уларнинг хизмат вазифаси шулардан иборат бўлгани, ХХХнинг бундай ваколати бўлмагани, ХХХ бўлимда тадбиркорлик субъектларининг банкротлик ишларини судга қадар юритиш ишларига ҳужжатлар тўплаш ишлари билан шуғулланмагани, “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларнинг банкротлик ишларини судга қадар ҳужжатларини тайёрлаш ишлари билан бўлимда Ш.Махсудов шуғуллангани ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган **А.Мусаев** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у Музработ тумани Фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказида ҳисобчи вазифасида ишлаши, Музработ туманидаги “Музработ Достон” ФХнинг бухгалтерии экани, лекин ҳисоб ишларини амалга оширмаслиги, сабаби ФХнинг раҳбари ёлланма ҳисобчиси билан биргаликда ишларини амалга ошириши, у “Музработ Достон” ФХга 2024 йилнинг январь ойидан бошлаб хизмат кўрсатишга бириктирилгани, “Музработ Достон” ФХнинг таъсисчиси З.Нормуротов ҳисобланиши, у Музработ тумани Фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказида ҳисобчи сифатида ишлагани учун унга Музработ туманида жами 30 нафар фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш бириктирилгани, шу сабабли “Музработ Достон” ФХга унинг солиқ ҳисоботлари бўйича хизмат кўрсатгани, у ХХХни Музработ туман ДСИда ишлаган вақти танигани, бироқ, унинг “Музработ Достон” ФХ ишларига аралашган ёки аралашмаганини билмаслиги, “Музработ Достон” ФХнинг асосий фаолияти пахта ва ғаллага ихтисослашгани, 192.180.000 сўм солиқ қарздорлиги унинг ҚҚСдан келиб чиқгани, аниқ келиб чиқиш сабабларини билмаслиги, ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган **М.Бахтиёров** дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у “Мингноров Ботир” МЧЖ раҳбари экани, ушбу корхонани ўзи бошқариши, корхонанинг ҳисоб-китоб ишларини ўзи юритгани, фуқаро ХХХни, ХХХ ва ХХХларни танимаслиги, улар билан корхона фаолияти юзасидан



гаплашмагани, корхонанинг бухгалтерия ишларини ХХХга бажартирмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гарчи, судда судланувчи ХХХ, ХХХ ва ХХХлар ўзларига қўйилган айбловга иқрор эмаслиги, Ў.Норматовдан қарзга пул олишгани, қарзини қайтариш масаласида Ў.Норматов билан ўзаро суҳбатлашишгани ҳақида кўрсатув берган бўлишса-да, уларнинг бу кўрсатувлари, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмайдиган ҳамда муқаррар жазодан қутилиш ёки жазони енгиллаштириш мақсадида келтирилган асоссиз важдар деб баҳоланиб, судланувчиларнинг дастлабки тергов ва судда берган кўрсатувлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, судланувчи ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг Ў.Норматов билан ўзаро сўзлашувлар стенограммаси, ХХХ ва Ў.Ахмедовларнинг ўзаро суҳбати стенограммаси ҳамда ишдаги барча мақбул далиллар йиғиндиси билан суд ҳайъати уларнинг важдарини рад қилишни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг айби, гувоҳларнинг берган кўрсатувлари, 28.07.2025 йилдаги тезкор-қидирув тадбири доирасида видеокамера қўллаган ҳолда ҳодиса жойини кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш баённомаси, стенограмма қилиш баённомалари, илова дисклар, жиноят иши юзасидан тафтиш хулосалари, далолатномалар, аризалар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида текширилган барча далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ХХХнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, судланувчилар ХХХ, ХХХ, ХХХнинг ҳаракати ЖКнинг 179-моддаси билан квалификация қилиб хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

23-моддасининг 3-бандида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддасида “Сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани



(даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкый манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш” учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 14-бандида, сохта тадбиркорлик тўғрисидаги (ЖКнинг 179-моддаси) ишларни кўришда шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкый фойдани олиш мақсадини кўзлаганлиги ҳисобга олиниши лозимлиги, бундай мақсаднинг аниқланиши шахснинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 179-моддаси ҳамда талон-торож қилишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ва ҳоказолар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи билан тавсифлаш учун асос бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан судланувчи ХХХ, ХХХ, ХХХлар таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкый фойдани олиш мақсадини кўзлаб корхона ва бошқа тадбиркорлик ташкилоти тузганлиги ўз исботини топмади.

Бундай ҳолатда суд ҳайъати, судланувчи ХХХ, ХХХ, ХХХнинг ҳаракатларини уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан фойдани солиқлардан озод қилиш ёки бошқача мулкый манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларини тузиш сифатида квалификация қилиб асоссиз хулосага келган деб, уларнинг айбловидан ЖКнинг 179-моддасини ортиқча малакалангани сабабли айбловдан чиқаришни лозим топди.

Суд ҳайъати судланувчи ХХХ ва ХХХнинг ҳаракати тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан тўғридан-тўғри квалификация қилиб хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида “Юридик шахснинг мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкнинг мулкдори ёки жисмоний шахс ёхуд якка тартибдаги тадбиркор томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки кўпайтириш, ушбу юридик шахснинг ёки жисмоний шахснинг ёхуд якка тартибдаги тадбиркорнинг тўловга



қобилиятсизлигига олиб келса, кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлиши” учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддасида “жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади. Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади. Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади. Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади. Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилиши” белгиланган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра ХХХ бошқарманинг солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими катта инспектори ХХХ ва собиқ ҳамкасби ХХХлар билан жиноий тил бириктириб, жиноий шериги ХХХнинг таъсисчилигида бўлган “Гагарин ёшлари” ХК ва “Дилшод бинокор маркет” МЧЖ, унинг норасмий бошқарувида бўлган “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча”, “Бешқўтон омад кафолат”, “Обод маскан агрофирмаси”, “Метал парчалари” МЧЖлар, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Shodiyona Hojiakbar young stars” ОКларни бухгалтерия ва солиқ фаолиятини бошқариб келишидан жинояткорона мақсадларда фойдаланиб, ХХХ орқали “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ўртасида 30.04.2022 йилда 12-сонли 290.260.000 сўмлик, “Метал парча плус” ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 12.05.2022 йилда 08-сонли 1.157.325.270 сўмлик, 26.05.2022 йилда 10-сонли 376.030.795 сўмлик, “Аброр Хожиакбар” ХК ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 11.05.2022 йилда 07/05-сонли 280.830.000 сўмлик, 19.05.2022 йилда 10/05-сонли 346.104.000 сўмлик, 26.05.2022 йилда 14/05-сонли 532.721.400 сўмлик, 30.05.2022 йилда 18/05-сонли 1.156.114.550 сўмлик, “Янгиобод метал парча” МЧЖ ва “Мингнароров Ботир” МЧЖ ўртасида 05.01.2023 йилда 1.216.270.720 сўмлик, “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ва “Халқобод Агро Инвест” МЧЖ ўртасида 27.05.2024 йилда 0661-сонли 49.770.000 сўмлик, 26.06.2024 йилда 0858-сонли 16.854.000 сўмлик, “Янгиобод метал парча” МЧЖ ва “Саразия Модерн строй” МЧЖ ўртасида 29.09.2023 йилдаги 555-сонли 1.486.268.071 сўмлик, “Дилшод бинокор маркет” МЧЖ ва “Амирқул Бобо КАА” ФХ ўртасида 10.11.2023 йилда 1546-сонли 2.790.000.000 сўмлик, “Тоқчи Қўшчинор” ФХ ва “Шодиёна Хожиакбар ёунг стар” ОК ўртасида 30.08.2024 йилда 97-сонли 1.124.029.760 сўмлик, 12.01.2025 йилда 55-сонли 1.064.918.400 сўмлик, шу каби “Азамат Акбар



давр” МЧЖ, “Агротех агроинвест” МЧЖ, “Музработ Тезкор қурилиш” МЧЖ, “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖ, “Обод маскан агрофирмаси” МЧЖ, “Метал парчалари” МЧЖ, “Бешқўтон Чорбоғ” ФХ, “Музработ Достон” ФХ, “Туронбек Чорваси” ФХ ва “Гагарин Ёшлари” ХК ўрталарида ушбу тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва таъсисчилари бир-бирларини танимаган ва тадбиркорлик алоқаларига умуман киришмаган бўлса-да, уларнинг хабардорлигисиз ва розилигини олмасдун туриб турли сўмлик маҳсулотлар сотиб олингани ва хизматлар кўрсатилгани ҳақида сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилиб, юқоридаги тадбиркорлик субъектларида 2.926.308.820 сўмлик ортиқча, 1.000.299.991 сўмлик қўшимча ва 25.203.351.991 сўмлик сунъий солиқ қарздорликларини юзага келтириб, ушбу тадбиркорлик субъектларини қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келишган.

Юқоридагиларга кўра суд ҳайъати судланувчи ХХХ ва ХХХнинг иштирокчилиқда қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келишдаги ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмидан ЖКнинг 28,181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд ҳайъати, тергов органи томонидан мансаб ваколатини суиистеъмол қилинганлиги бўйича судланувчи ХХХ, ХХХнинг жиноий ҳаракатлари ЖК 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан, судланувчи Б.Менгиевнинг ҳаракати ЖКнинг 28,205-моддаси 2-қисми “а” банди билан малакаланиб хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисм “а” бандида “Жуда кўп миқдорда ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган бўлиши” учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, ЖКнинг атамалар деб номланган 8-бўлимида “доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс” мансабдор шахс тушунчасини бериши тўғрисида таъриф берилган.



Судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи ХХХ Сурхондарё вилоят солиқ бошқармаси “Солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ бош инспектори” бўлиб ишлаган, судланувчи ХХХ Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси “Солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ катта инспектори” бўлиб ишлаган, ХХХ 2022 йилга қадар Музработ туман солиқ инспекцияси ходими бўлиб ишлаган, улар ташкилий-бошқарув, маъмурий хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс ҳисобланмаган.

Юқоридагиларга кўра суд ҳайъати, судланувчилар ХХХ, ХХХнинг айбловидан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисм “а” бандини, ХХХнинг айбловидан ЖК 28,205-моддаси 2-қисм “а” бандини ортиқча малакалангани сабабли айбловдан чиқаришни лозим топди.

Суд ҳайъати, тергов органи томонидан такроран ҳужжатларни сохталаштирилганлиги бўйича судланувчи ХХХ, ХХХнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан, судланувчи Б.Менгиевнинг ҳаракати ЖК 28,209-моддаси 2-қисми “а” банди билан малакаланиб, хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 2-қисм “а” бандида, “Такроран мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлиши” учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддасида, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 32-моддасида умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди деб белгиланган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи ХХХ Сурхондарё вилоят солиқ бошқармаси “Солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ бош инспектори” бўлиб ишлаган, судланувчи ХХХ Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси “Солиқ қарзини ундиришни



ташкил қилиш бўлими давлат солиқ катта инспектори” бўлиб ишлаган, судланувчи ХХХ 2022 йилга қадар Музработ туман давлат солиқ инспекцияси ходими бўлган, уларнинг хизмат вазифаларига қонунда назарда тутилган “мансабдор шахс” белгилари ва тушунчаси кирмайди, улар ЖКнинг 209-моддаси субъекти бўла олмаслиги сабабли, суд мазкур айблов бўйича ХХХ ва ХХХнинг ҳаракатларини “Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари бир жиноят таркибини ташкил этувчи ягона мақсадга қаратилган давомли жиноий ҳатти-ҳаракатлар деб ҳисоблаб, уларнинг айбидан “такроранлик” белгисини чиқариб, ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” бандидан ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” бандига, судланувчи ХХХнинг ҳаракатларини ЖКнинг 28,209-моддаси 2-қисми “а” бандидан 228-моддаси 2-қисми “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи ХХХ, ХХХнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-модда 2-қисм “а,б,в,г” бандлари билан квалификация қилиб хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорининг 15-бандида агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шунингдек, Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 23-бандида, хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик (ЖК 168-моддаси учинчи қисми “в” банди) учун жавобгарлик шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Жиноят иши ҳужжатларида тўпланган ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи ХХХ ва ХХХнинг қасди ва мақсади фуқаро Ў.Норматов бошқарувидаги “Метал парчалари”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни банкрот қилиш эвазига пулларини пора тариқасида эмас, балки алдаб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш бўлганлиги, чунки ХХХ Сурхондарё вилоят солиқ бошқармаси “Солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ бош инспектори” бўлиб ишлаган вақтида унинг хизмат



вазифаларига банкротлик ҳисоботларини юритиш, суд қарорларига асосан реестрдан чиқган корхоналарнинг қарздорлигини маълумотлар базасидан чиқариш, корхонанинг ҳолатларини ўзгартириш ишларини ташкиллаштириш, банкротлик тамоиллари жараёнида кредитор сифатида давлат солиқ хизмати органи масъул ходимларининг амалга оширган ишларини ўрганиб чиқиш ҳамда ўрганиш натижаси бўйича аниқланган камчиликларни баратараф этишни назорат қилиш, банкротлик бўйича умумий тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорларнинг мулкани соттириш, уларнинг солиқ қарзини ундириш бўйича тугатиш бошқарувчилари билан ҳамкорликда ишлаш, солиқдан қочиш схемалари бўйича таҳлил ҳужжатлари ва маълумотларини Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этилишини таъминлаш, йирик миқдорда солиқ қарзи бор корхоналарга нисбатан мажбурий ундириш ва барча ваколат доирасидаги таъсирчан чоралар кўриш, ҳудудий солиқ идораларининг шу йўналишдаги ишларини назоратга олиш, бириктирилган йирик солиқ тўловчи корхоналарнинг солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш ҳамда белгиланган тартибда хатлов ўтказиб, натижасини дастурий махсулга бириктириш ва бошқалар кириши, ХХХ Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси “Солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ катта инспектори” бўлиб ишлаган вақтида хизмат вазифаси солиқ қарзи бўйича корхоналарнинг банк ҳисоб-рақамларига инкассо тўлов топшириқномаларининг тўлиқ ва тўғри қўйилганини таҳлил қилиш, номзодга чиқган асосли ҳолатларни ижросиз қайтариш ва аниқланган камчиликларни баратараф этиш, таҳлил асосида солиқ қарзи ҳосил бўлишини билган ҳолда банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини ва бошқа активларини учинчи шахсга ўтказиб юборган ёки реализация қилинган товар, бажарган иш ҳажми учун бошқа шахсга ўтказиб юборилган маблағларни аниқлаб, ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига қонунда белгиланган чораларни кўриш учун юбориш, солиқ қарзи бўйича қарздорларнинг банк ҳисоб рақамида инкасса топшириқномалари ижрода турган ҳолда, тижорат банклари томонидан пул маблағларини бошқа ҳисоб рақамлари орқали айлантирган ҳолатлар бўйича тижорат банкларида назорат тартиби ўтказиш юзасидан тегишли бўлимга тақдим этиш, бириктирилган туманда солиқ қарзини ундиришни ва хатлов ишларини ташкиллаштиришни назорат қилиш ва бошқалар кириши, корхонани банкрот деб эълон қилиш фақатгина суднинг ваколатига тегишли бўлиб, солиқ инспектори бундай қарорни қабул қила олмаслиги, солиқ органи кредитор сифатида солиқ қарздорликлари мавжуд бўлиб, қарзни ундириш чоралари натижа бермаган ҳолатларда кредитор сифатида судга мурожаат қилиниши, лекин банкротлик жараёнини бошлай олмаслиги, ХХХ ва ХХХлар корхонани банкрот қилиш ваколатига эга бўлишмаган.



Шунингдек, судда аниқланган ҳолатларга кўра, ХХХ, ХХХлар жиноий ҳаракатларини амалга ошириши давомида Музработ туманида фаолият юритувчи “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни бухгалтерия ва солиқ фаолиятини ХХХ томонидан бошқариб келинганидан фойдаланиб, у орқали сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштириш орқали “Метал парча плус” МЧЖга 2.419.680.170 сўм, “Янгиобод метал парча” МЧЖга 4.559.561.561 сўм ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга 885.191.400 сўм сунъий солиқ қарздорлигини келтириб чиқаришга эришиб, Ў.Норматовни солиқ текширувлари ўтказилиши ва натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориб, жиноят иши кўзғатилиши билан ХХХ орқали маълум қилиб, Ў.Норматовдан 2022 йилнинг февраль ойида “Метал парча плус” МЧЖни банкрот қилиш учун 10.000.000 сўм, 2023 йилнинг ноябрь ойидан 2024 йилнинг февраль ойига қадар “Янгиобод метал парча” МЧЖни банкрот қилиш учун 4.000 АҚШ доллари ва 2024 йилнинг июнь ойида “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни банкрот қилиш учун 6.000 АҚШ доллари, жами 10.000 АҚШ доллари ва 10.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, шундан охирги 6.000 АҚШ долларидан 2.000 АҚШ долларини ХХХда қолдириб, қолган 8.000 АҚШ доллари ва 10.000.000 сўм пулларни ХХХ шериги ХХХ билан бўлишиб олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Шунингдек, ХХХ жиноий шериклари ХХХ ва ХХХлар билан бирга Ў.Норматовдан фирибгарлик йўли билан қўшимча пул ундириш учун “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга ҳисобланган солиқлар бўйича тўпланган ҳужжатларни Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК Департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармасига ўтказиб юборилгани ҳолатидан Ў.Норматов норози бўлиб, уларга берган пулларини қайтариб беришни талаб қилиб, мазкур ҳолат бўйича ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб, ДХХнинг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига йўллаган аризаси юзасидан 2025 йил 28 июль куни соат 22<sup>30</sup> ларда ўтказилган тезкор тадбирда ХХХ Ў.Норматовдан ХХХ орқали фирибгарлик йўли билан олган пуллардан 8.000.000 сўмини қайтариб бераётганида ашёвий далиллар билан ушланган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан судланувчи ХХХ, ХХХлар фуқаро Ў.Норматовнинг “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни банкрот қилиш учун жами 10.000 АҚШ доллари ва 10.000.000 сўм пулларни пора тариқасида олганликлари ўз тасдиғини топмади.

Бундай ҳолатда, суд судланувчи ХХХ ва ХХХларнинг содир этган фирибгарлик жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-



модда 2-қисм “а,б,в,г” бандларидан, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандларига квалификация қилишни лозим деб топди.

Суд ҳайъати, судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси 3-қисм “а” банди билан квалификация қилиб хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми “а” бандида “Ҳақ эвазига пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш” учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, ХХХ Музработ туманида фаолият юритувчи “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни бухгалтерия ва солиқ фаолиятини унинг раҳбари Ў.Норматов билан келишган ҳолда 2022 йилдан бошлаб юритиб, ҳисоботларни расмийлаштириб, солиқ органларига жўнатиб келиб, сохта ҳисоб-фактуралар расмийлаштириш орқали “Метал парча плус” МЧЖга 2.419.680.170 сўм, “Янгиобод метал парча” МЧЖга 4.559.561.561 сўм ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖга 885.191.400 сўм сунъий солиқ қарздорлигини келтириб чиқариб, Ў.Норматовни солиқ текширувлари ўтказилиши ва натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориб, жиноят иши қўзғатилишини айтиб, уни алдаб, Ў.Норматовдан алдов йўли билан 2022 йилнинг февраль ойида “Метал парча плус” МЧЖни банкрот қилиш учун 10.000.000 сўм, 2023 йилнинг ноябрь ойидан 2024 йилнинг февраль ойига қадар “Янгиобод метал парча” МЧЖни банкрот қилиш учун 4.000 АҚШ доллари ва 2024 йилнинг июнь ойида “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖни банкрот қилиш учун 6.000 АҚШ доллари, жами 10.000 АҚШ доллари ва 10.000.000 сўм кўп миқдорда пулларни фирибгарлик йўли билин олиб, шундан 6.000 АҚШ долларидан 2.000 АҚШ долларини ўзида олиб қолиб, қолган 8.000 АҚШ доллари ва 10.000.000 сўм пулларни жиноий шериклари ХХХ ва ХХХларга бериб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан судланувчи ХХХ фуқаро Ў.Норматовнинг “Метал парча плус”, “Янгиобод метал парча” ва “Бешқўтон омад кафолат” МЧЖларни банкрот қилиш учун пора олиш-беришда воситачилик қилиш мақсадида пулларни олгани ўз тасдиғини топмади.

Бундай ҳолатда, суд судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 212-модда 3-қисм “а” бандидан, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва



эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳақидаги;

8-моддасига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида «Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин»;

3-бандида «Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак»лиги;

4-бандида, қонун тайинладиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги, объектив омилларга, айбдорнинг ёши, жинси, ижтимоий омилларга судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулоти, ижтимоий мавқеи ва ҳ.к.лар кириши ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорининг 10-бандида “Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим. Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади” деб тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи ХХХга жазо тури ва меъёрини белгилашда, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари ва Олий суди Пленуми Қарорининг тушунтиришларига амал қилган ҳолда, унинг қилмишидан



пушаймонлиги, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини ва муқаддам судланмаганлигини, иш бўйича зарарлар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни содир этишдаги роли ва ўрнини, айб шаклини, унинг шахсини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖК 228-моддаси 2-қисм “б” банди билан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖК 168-моддаси 3-қисм “а,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, солиқ органларида ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса, ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил солиқ органларида ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса, ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга қўшимча тақиқлар белгилашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида қамоқда сақланган кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазосидан чегиришни, ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазоларни алоҳида ижро этишни, унга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дархол суд залида қамоқдан озод қилишни;

-судланувчи ХХХга жазо тури ва меъёрини белгилашда, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари ва Олий суди Пленуми Қарорининг тушунтиришларига амал қилган ҳолда, унинг қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлиги, иш бўйича зарарлар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни содир этишдаги роли ва ўрнини, айб шаклини, унинг шахсини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖК 228-моддаси 2-қисм “б” банди билан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖК 168-моддаси 3-қисм “а,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, солиқ органларида ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса, ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум



қилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил солиқ органларида ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса, ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга қўшимча тақиқлар белгилашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида қамоқда сақланган кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазосидан чегиришни, ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазоларни алоҳида ижро этишни, унга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дархол суд залида қамоқдан озод қилишни;

-судланувчи ХХХга жазо тури ва меъёрини белгилашда, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари ва Олий суди Пленуми Қарорининг тушунтиришларига амал қилган ҳолда, унинг қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, иш бўйича зарарлар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, муқаддам судланиб, жазони ўташ даврида ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни содир этишдаги роли ва ўрнини, айб шаклини, унинг шахсини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖК 228-моддаси 2-қисм “б” банди билан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖК 168-моддаси 3-қисм “а” банди билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ХХХ тадбиркорлигини инобатга олиб, ЖК 45-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинламасликни, ЖКнинг 59,61-моддасига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 60-моддасига асосан бир неча ҳукм юзасидан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга қўшимча тақиқлар белгилашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида қамоқда сақланган кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазосидан чегиришни, унга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дархол суд залида қамоқдан озод қилишни лозим топди.

Шунингдек суд ҳайъати, зарарлар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича етказилган моддий зарар 10.000 АҚШ доллари (2025 йил 17 ноябрь ҳолатига 1 АҚШ доллари 12.039,61 сўм ҳисобида) 120.396.100 сўм ва 10.000.000 сўмни қоплаш учун судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлими депозит



хисоб рақамига 2025 йил 17 ноябрь куни топширилган жами 115.634.000 сўм пул маблағини ҳамда тезкор тадбир жараёнида ашёвий далил сифатида олиниб АТБ “Ипотекабанк” Сурхондарё вилоят филиалига топширилган 8.000.000 сўм пул маблағини Ў.Норматовга беришни, зарарнинг тўланмаган 6.762.100 сўмини судланувчи Ш.Махмудоов, ХХХ ва ХХХлардан солидар тартибда Ў.Норматов фойдасига ундиришни лозим топди.

Шунингдек суд ҳайъати, тергов органи томонидан ашёвий далил сифатида эътироф этилган 28.07.2025 йилдаги тезкор-қидирув тадбири доирасида видеокамера қўллаган ҳолда ҳодиса жойини кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш баённомаси, стенограмма қилиш баённомалари, илова дисклар, жиноят иши юзасидан тафтиш хулосалари, далолатномалар, аризалар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомаларини жиноят иши материаллари билан бирга сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 497<sup>1</sup>, 497<sup>4</sup>-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

**ХХХ** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 28,181<sup>1</sup>-модда 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисм “а,в” бандлари билан айбли деб топилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,181<sup>1</sup>-модда 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 йил муддатга Солиқ органларида ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса, ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил 2 йил муддатга Солиқ органларида ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса, ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-



жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда

чеклаш тарзидаги озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ХХХнинг 2025 йил 29 июль кунидан 17 ноябрь кунига қадар қамоқда сақланган 112 (бир юз ўн икки) куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазосидан чегирилсин.

ХХХнинг зиммасига қуйидаги қўшимча чекловлар ва тақиқалар юклатилсин:

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Сурхондарё вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик мажбурияти юклатилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

ХХХга қўйилган тақиқлар (чекловлар)га риоя этиши ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ва ижросини таъминлаш вазифаси Термиз шаҳар ИИБ ЖХХ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ИИБ томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин ва ижросини назорат қилиш Термиз шаҳар ИИБ ЖХХ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш жазоларининг ҳар қайсиси алоҳида ижро қилинсин.

Судланувчи ХХХга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дархол суд залидан қамоқдан озод этилсин.

ХХХ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 28,181<sup>1</sup>-модда 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисм “а,в” бандлари билан айбли деб топилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,181<sup>1</sup>-модда 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга Солиқ органларида ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса, ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган



лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил 2 йил муддатга Солиқ органларида ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса, ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда

чиқишни чеклаш тарзидаги озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

XXXнинг 2025 йил 4 август кунидан 17 ноябрь кунига қадар қамоқда сақланган 106 (бир юз олти) кунни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилсин.

XXXнинг зиммасига қуйидаги қўшимча чекловлар ва тақиқалар юклатилсин:

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Сурхондарё вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик мажбурияти юклатилсин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

XXXга қўйилган тақиқлар (чекловлар)га риоя этиши ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ва ижросини таъминлаш вазифаси Термиз шаҳар ИИБ ЖХХ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазони муддати ИИБ томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин ва ижросини назорат қилиш Термиз шаҳар ИИБ ЖХХ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш жазоларининг ҳар қайсиси алоҳида ижро қилинсин.

Судланувчи XXXга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дархол суд залидан қамоқдан озод этилсин.

XXX Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 181<sup>1</sup>-модда 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.



XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 181<sup>1</sup>-модда 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил 3 (уч) йил 8 (саккиз) ой муддатга ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда

чиқишни чеклаш тарзидаги озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг 2024 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Музработ туман, “Ат-Термизий” маҳалласи, Элпарвар кўчаси, 24-уйдан чиқишни чеклаш тарзидаги 4 (тўрт) йил 2 (икки) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

XXXнинг 2025 йил 29 июль кунидан 17 ноябрь кунига қадар қамоқда сақланган 112 (бир юз ўн икки) куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазосидан чегирилсин.

XXXнинг зиммасига қуйидаги қўшимча чекловлар ва тақиқалар юклатилсин:

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Сурхондарё вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик мажбурияти юклатилсин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

XXXга қўйилган тақиқлар (чекловлар)га риоя этиши ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ва ижросини таъминлаш вазифаси Музработ туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва



жазо муддати жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг 2024 йил 28 мартдаги ҳукми ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи ХХХга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дархол суд залидан қамоқдан озод этилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-АТБ “Ипотекабанк” Сурхондарё вилоят филиалига 1 сўм қийматда топширилган 8.000.000 сўм пул маблағи Ў.Норматовга берилсин.

-етказилган моддий зарарни қоплаш учун судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлими депозит ҳисоб рақамига 17.11.2025 йилда топширилган 25.300.000 сўм, 15.000.000 сўм, 35.000.000 сўм, 29.579.000 сўм ва 10.755.000 сўм жами 115.634.000 сўм пуллар Ў.Норматовга берилсин.

Етказилган зарарнинг тўланмаган 6.762.100 сўми судланувчи ХХХ, ХХХ ва ХХХдан солидар тартибда Ў.Норматов фойдасига ундирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 28.07.2025 йилдаги тезкор-қидирув тадбири доирасида видеокамера қўллаган ҳолда ҳодиса жойини кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш баённомаси, стенограмма қилиш баённомалари, илова дисклар, жиноят иши юзасидан тафтиш хулосалари, далолатномалар, аризалар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомаларини жиноят иши материаллари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки прокурор протест келтиришга, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг апелляция тартибида кўрилмаган бўлса кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

**Раислик этувчи**

**(имзо)**

**С.Юлдашева**

**Халқ маслаҳатчилар**

**(имзо)**

**Г.Муқумова**

**(имзо)**

**К.Рамазанова**

**Аслига тўғри\_\_\_\_\_**

